

Термиз туманидаги "Учқизил" кўлига саёҳат ташкил этилди



“Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида вилоятимизда ўтказилаётган фестивал доирасида ёшлар учун Термиз туманидаги "Учқизил" кўлига саёҳат ташкил этилди.

Термиз туман ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ҳамда Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирларда ёшлар фаол иштирок этишмоқда.

Кўл бўйлаб қайиқларда бўлаётган саёҳатлар ёшларда бир олам тассуротлар қолдирмоқда.

Эслатиб ўтамиз, “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остидаги тадбирлар вилоятимиз бўйлаб 17 июнга қадар давом этади.

Термиз туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати